
ЁЗЁВОНЛИК КУРАШЧИ МАНЗУРА МЎЙДИНОВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида бўлиб ўтаётган белбоғли кураш бўйича 19-жаҳон чемпионатида ёзёвонлик Манзура Мўйдинова бронза медалини қўлга киритди.

Татаристон пойтахтидаги “Ак Барс” спорт саройида бўлиб ўтаётган мусобақада 36 мамлакатдан келган спортчилар белбоғли курашнинг эркин ва классик йўналишларида эркалар 8 та вазн тоифасида, аёллар 5 та вазн тоифасида баҳсга киришдилар.

58 кг вазнда гиламга чиққан Ёзёвондаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Манзура Мўйдинова, ярим финалда қозоғистонлик Ровза Нурмухаммадовага қарши баҳс олиб борди. Беллашувни муваффақият билан бошлаган Манзура, рақибини оёғини гиламдан кўтариб ағдариш усулини қўллаб, 2-0 ҳисобида олдинга ўтиб олганди. Бироқ кейинги ҳолатда ноқулай йиқилиш натижасида кичик жароҳат олиб, курашни давом эттира олмади ва ғалаба қозоғистонлик курашчига берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-10-29 19:09:31